

# Раҳбар ва ёшлар учрашуви ташкил ЭТИЛДИ

// 07 may 2024 йил

<https://special.uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/rahbar-va-yoshlar-uchrashuvi-tashkil-etildi>



“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси Тимур Мухамеджанов Паркент тумани маҳаллаларида истиқомат қилувчи, алоҳида эътиборга муҳтоҷ “оғир” тоифадаги ёшлар билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 37-сонли Фармонида келтирилган кўплаб вазифалар юзасидан бугунги кунда “оғир” тоифадаги ёшларнинг муаммоларини ҳал қилиш, салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб—хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий онгини юксалтириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

# LAN UCHRASHUV



uzkimyosanoat



uzkimyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26

Маълумот учун, "Ўзкимёсаноат" АЖга Тошкент вилояти Паркент туманининг "Кунгай", "Нуробод", "Ўчоқ", "Сой" ва "Теман" маҳаллаларидан жами 26 нафар "оғир" тоифадаги ёшлар бириктирилган.

Тимур Мухамеджанов ҳар бир ёш билан шахсан суҳбатлашиб, уларни қийнаётган муаммолар ва илтимосларини тинглади. Муаммоларини ижобий ҳал қилиш мақсадида масъулларга бир қанча топшириқлар берилди.

Ёшларнинг оила, меҳнат жамоаси, таълим муассасаларидағи мухитини ўрганиш, психологик, моддий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш масалалари мухокама қилинди.



[uzkimyosanoat](#)

[uzkimyosanoat.uz](#)

(+99878) 140-74-26



[uzkimyosanoat](#)

[uzkimyosanoat.uz](#)

(+99878) 140-74-26



[uzkimyosanoat](#)

[uzkimyosanoat.uz](#)

[\(+99878\) 140-74-26](#)

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**